

# №1/12-С О Н Л И П У Д Р А Т Ш А Р Т Н О М А С И (КОНТРАКТ)

«10» декабрь 2022 йил

Наманган ш

Келгуси уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Шимолий Фаргона магистрал канали бошкармаси номидан низом асосида фаолият юритувчи раҳбар Д.Жаббаров бир томондан, хамда келгуси уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Ёркургон мелиосувкурилиш таъмир» МЧЖ ва низом асосида фаолият юритувчи раҳбар А. Дадабоев иккинчи томондан, Наманган вилояти Шимолий Фаргона Магистрал Каналининг ПК1115+37 нуқтасида жойлашган Тузлуксой дюкерини таъмирлаш ишлари бажариш учун пудрат шартномаси (контракт) ни туздилар.

## 1. Шартнома предмети.

Мазкур шартнома (контракт) да кулланадиган тушунчалар куйидагича:  
**«Шартнома (контракт)»:** - Келгуси уринларда шартнома (контракт) деб юритиладиган: Буюртмачи ва Пудратчи имзо чекадиган барча кафолатлар, иловалар, курилиш жараёнида томонлар имзо чекишлари мумкин булган күшимчалар ва узгаришлар акс эттирилган мазкур хужжат.

**«Муваккат иншоатлар»:** Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва курилишини бошлаш хамда якунлаш учун зарур булган хамма турдаги муваккат иншоатлар.

**«Курилиши майдони»** Мазкур шартнома доирасида ер участкасини Буюртмачи Пудратчига далолатнома берилганда, объектнинг курилиш майдони чегараси ураш ёки бош режага асосан урнатиладиган бошка белгилар билан билдириб куйилади.

**«Ишлар»:** - Пудратчи томонидан мазкур шартнома (контракт) шартларига мувофик бажарилиши лозим булган ишлар. Курилиш, монтаж ва созлаш, ишга тушириш, камчиликларни бартараф этиш хам шунга киради.

**«Яширин ишлар»:** - ишлар ва конструкциялар ва бутловчи буюмларнинг техник шарти ва паспортлари, тайёрловчи заводдан олинган хужжатлар, техник вазифаларга мувофик ишлаб чикилган ва ишларни бажариш хамда объектни ишлатиш учун зарур булган бошка хужжатлар.

**«Ижро хужжатлари»:** - объект курилиши учун ишчи чизмалари комплекта: бажарилган асли ишларнинг шу чизмаларга мувофик келиши ёки ишлар бажарилиши учун маъсул булган шахс томонидан уларга киритилган узгартиришлар хакидаги ёзувлар; ишларни бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдикловчи сертификатлар, техник паспортлар ва бошка хужжатлар; яширин ишлар гувохлиги хакида алоҳида маъсулиятли конструкцияларни оралиқда кабул килиш хакидаги далолатномалар; монтаж килинган жихозларнинг якка тартибда синаб курилгани хакидаги гувохномалари; иш юритиш журнallари хамда курилиш меъёри ва коидаларида кузда тутилган бошка хужжатлар.

**«Маъқуллаш»:** - Буюртмачи ва Пудратчи томонидан ёзма равишдаги тасдиклаш. Контракт нархини булиш: Шартнома буйича объектни умумий кийматини этапларга булиш хар-бир боскични кийматини аник белгиланиши.

## 2. Шартнома (контракт) нинг мазмуни

Пудратчи мазкур шартнома (контракт) нинг 3-моддасида кайд этилган нарх хисобидан шахсий ва жалб этиладиган кучлар билан шартнома (контракт) даги Буюртмачи вазифаси ва лойиха хужжатларига мувофик, Шимолий Фаргона Магистрал Каналининг ПК1115+37 нуқтасида жойлашган Тузлуксой дюкерини жорий таъмирлаш ишлари бажаради.

### **3. Шартнома (контракт) буйича ишларнинг нархи**

**3.1.** Мазкур шартнома (контракт) буйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган курилиш

Нархи ККС билан **1 717 364 705.0** (Бир миллиард етти юз ун етти миллион уч юз отмиш турт мин етти юз беш ) сумни ташкил этади.

**3.2.** Бажариладиган ишлар нархи ва муддати мазкур шартноманинг 3 модданинг 3.1 пунктига ва 6 модданинг 6.1 пунктига асосан узил-кесил хисобланади ва куриб чикилмайди, куйидаги холатлардан ташкари:

**3.2.1.** Бажариладиган иш киймати ва муддатини усишига ёки шу параметлардан бартараф этиб булмайдиган кучлар (форс-мажор) холати сабаб.

**3.2.2.** Буюртмачи иш хажмларини узгартириши.

**3.2.3.** Бажариладиган иш муддати бир йилдан ортик булганда. Шартнома нархини иккинчи ва кейинги йилга, мазкур шартноманинг ажралмас кисми хисобланган молиялаштириш ва ишлаб чиқариш графиги асосида аникланади.

**3.2.4.** Юкоридаги кайд этилган узгартиришлар асослигини мос келиши Буюртмачи ва Пудратчи уртасида кушимча келушув билан расмийлаштирилиши керак.

### **4. Пудратчининг мажбуриятлари**

Пудратчи мазкур шартнома (контракт) буйича 3-моддада кузда тутилган нарх хисобида ишларни бажариш учун:

**4.1.** Уз кучлари ва воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва унинг иловаларида кузда тутилган хажмда ва муддатда бажаради ва объектни ишлатиш имконини берадиган холатда Буюртмачига топширади.

**4.2.** Бажариладиган ишлар учун зурур булган барча техникалар, жихозларни таъминлаш Пудратчи зиммасида булади. Шу уринда Пудратчи табиий ресурсларининг камайиши окибатида худуддаги гидрогеологик шароитнинг узгариши учун жавобгар хисобланмайди.

**4.3.** Уз кучлари ва воситалари билан бажариладиган ишлар майдони худудида техника ва материалларни саклаш ва мазкур шартнома (контракт) буйича ишлари адо этиш учун зарур булган барча муваккат иншоатларни барпо этади.

**4.4.** Буртмачини ёрдамчи пудратчилар билан пудрат шартномаси (контракт) тузилганлиги хакида улар тузилишига караб хабардор этади. Ахборотда шартнома (контракт) нинг мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили баён этилган булиши даркор.

**4.5.** Буюртмачи олдида унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан мазкур шартнома (контракт) буйича тегишли ишларнинг бажарилиши учун жавобгардир.

**4.6.** Ишларни бажариш чогида техника хавфсизлиги, атроф муҳити, кукаламзорлар ва ерларни муҳофаза этиш буйича курилиш майдонида зарур булган тадбирлар бажарилишини таъминлайди хамда ёритгичлар урнатади.

**4.7.** Курилиш таваккалчилиги сугуртасини амалга оширади.

**4.8.** Курилиш тугалланган объектни кабул килиш хакидаги далолатномага имзо чекилгандан кейин бир хафта муддат ичida узига тегишли булган курилиш машиналари ва жихозлари, транспорт воситалари, асбоб-ускиналари, курилиш материаллари, буюллари, конструкцияларини курилиш майдони ташкарисига чикаради.

**4.9.** Курилиш майдони курикланиши амалга оширади.

**4.10.** Мазкур шартнома (контракт) даги бошка моддаларда кузда тутилган барча мажбуриятларни тута хажмда бажаради.

### **5. Буюртмачининг мажбуриятлари**

Буюртмачи мазкур шартнома бажариш учун:

**5.1.** Мазкур шартнома (контракт) га имзо чекилгач, уч кун ичida Пудратчига объектни куриш ва уни охирiga етказишгача булган даврда иш бажариш учун тайёрланган лойиха смета хужжатларини Пудратчига топширади.

**5.2.** Пудратчига ушбу шартнома (контракт) имзо чекилган санадан эътиборан ун кун муддат ичида лойиха хужжатларини тула хажмда, муддатда ва таркибда такдим этади. Буюртмачи томонидан такдим этиладиган лойиха хужжатлари курилиш меъёрлари ва коидаларига мувофик тузилган ва тасдикланган булиши даркор.

**5.3.** Пудратчига бажарган ишлари учун мазкур шартнома (контракт) нинг 3 ва 7-моддаларида кузда тўтилган тартибда хак тулайди.

**5.4.** Пудратчига мазкур шартнома (контракт) га имзо чекилган кундан эътиборан 1 ой мобайнида бу объектни кабул килиб олиши учун зарур булган ижро хужжатлар руйхатини беради.

**5.5.** Мазкур шартнома (контракт) нинг бошка моддаларида кузда туттилган уз мажбуриятларини тула хажмда бажаради.

Агар буюртмачи мазкур шартнома (контракт) да туттилган уз мажбуриятларининг барчасини бажармаган ва бу объект курилиш буйича ишлар бажаришининг кечикишига олиб келган тақдирда Пудратчи ишларни тугатиш муддатини тегишли даврга узайтириш хукукига эга булади ва объектни фойдаланишга топширишнинг шу утиб кетган муддати учун жарима тулашдан озод этилади. Шундай холатларда томонлар кушимча харажатларни бартараф этиш учун барча чора-тадбирларни курадилар. Башарти Пудратчидаги Буюртмачи мажбуриятларини бажармай ёки тегишли тарзда бажармай колдиришига олиб келадиган кушимча харажатлар курилган тақдирда ёзма равища кушимча харажатлар хажмини уни тасдиклайдиган хужжат билан Буюртмачига хабар килади, шундан сунг томонлар Пудратчининг кушимча харажатларини коплаш муддати ва шакли хакида келишиб оладилар. Куриб чикиш муддати 1 ойдан утиб кетмаслиги керак.

## **6. Ишларни бажарии муддати**

**6.1.** Мазкур шартнома (контракт) ни амал килиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

## **7. Туловлар ва хисоб-китоблар**

**7.1.** Буюртмачи Пудратчига шартнома (контракт) буйича бажариладиган ишларни кийматининг 30% хажмида олдиндан бунак утказади. Ушбу бунак шартнома(контракт) имзоланган санадан бошлаб 10 кун банк ичида Пудратчига утказилиб берилади.

**7.2.** Пудратчи хисоб ракамига тушадиган маблагларни курилишда материал, техника ресурслари билан таъминлаётган ташкилотларга тулаш учун катъий сарфланади.

**7.3.** Курилиш ишларини бажариш учун хисоб-китоб контракт нархи асосида ва бунакларни, Буюртмачи томонидан етказиб берилган курилиш материаллари ва жихозларни хисобга олган холда хар ойнинг охиригача, бажарилган ишлар далолатномасига асосан (Ф-3) амалга оширилади. Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-3) пудратчи томонидан такдим этилади, Буюртмачи далолатномани куриб чикиб 3 кун муддат ичида тасдиклайди еки асослантирилган холда рад этади, бажарилган ишлар далолатномаси такдим этилиб курсатилган муддат утгандан сунг буюртмачи далолатномани тасдикламаса еки асослантириб рад этмаса, далолатнома тасдикланган хисобланади.

## **8. Ишларни олиб бории**

**8.1.** Буюрмачи курилиш майдонига уз вакили-Мухандис (келгуси уринларда Мухандис деб юритилади) ни тайинлайди. Мухандис Буюртмачи номидан Пудратчи билан биргаликда ишларни бажариш учун далолатномаларни расмийлаштиради, ишларнинг бажарилиши устидан техник кузатув ва назоратни амалга оширади, шунингдек шартнома (контракт) ва лойиха хужжатлари шартларига кура Пудратчи томонидан материаллар ва жихозлардан фойдаланишни текшириб боради. Мухандис ишларнинг барча турига уларни бутун бажариш даврида ва иш вактининг хохлаган пайтида кириб бориш хукукига эга.

**8.2.** Пудратчи мазкур шартнома (контракт) нинг 6-моддасида курсатилган муддат билан болгланган уз режалари ва график буйича ишларни мустакил равища ташкил этади.

**8.3.** Объектда ишларни юритиш тартибини ва унга амал килишни, давлат назорат органлари билан келишувни Пудратчи амалга оширади.

**8.4.** Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташган куч ва йулакларни тозалаш ва озодалигини таъминлаш, майдондан курилиш даврида ва Буюртмачи курсатган жойга курилиш чикиндиларини чикариб ташлаш ишларини амалга оширади.

**8.5.** Пудратчи иш бошлаган лахзадан бошлаб у тугагунга кадар иш юритиш журнали юритади. Унда бутун ишларнинг бориши, шунингдек Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятли булган ишларнинг бориши билан бодлик барча фактлар ва холатлар уз аксини топади (ишнинг бошланиш санаси, олиб борилган синовлар, материалларни вактида етказиб бермаслик билан бодлик узилишлар, курилиш техникаларининг сафдан чикиши, шунингдек курилишни узил-кесил тугатиш муддатига таъсир курсатувчи нима содир булса хаммаси хакида).

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчи ёзувчилардан коникмаган тақдирда, у холда уз мулоҳазаларини иш юритиш журналида баён этади. Пудратчи Буюртмачи томонидан журналда асосли курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда тузатиш мажбурияти юклатилади.

### **9. Мехнатни муҳофаза этиши**

**9.1.** Пудратчи курилиш бошланишидан тугагунга ва Буюртмачи томонидан курилиш якунланган обьект кабул килингунга кадар уралган курилиш майдони худудидаги техника бошка мулкларнинг тегишлича муҳофаза этилишини таъминлайди.

**9.2.** Объект кабул килингандан кейин бажарилган ишлар учун жавобгарлик Буюртмачи зиммасига тушади.

### **10. Бартараф этиб булмайдиган куч холати.**

**10.1.** Томонлар мазкур шартнома (контракт) буйича мажбуриятларнинг кисман ёки тула ижро этилмай колгани учун агар у табиий ходисалар, харбий харакатлар ва бошка бартараф этиб булмайдиган бошка кучлар шароитида содир булса хамда бу холат мазкур шартнома (контракт) ижросига бевосита таъсир курсатган тақдирда жавобгарликдан озод буладилар.

Мазкур шартнома (контракт) буйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб булмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат хукм сурган вактга мос равиша оркага сурилади.

**10.2.** Агар бартараф этиб булмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибати 3 ойдан ортик вактга чузиладиган булса Пудратчи ва Буюртмачи курилишни давом эттириш учун кандай чора-тадбирлар куриш лозимлигини мухокама этадилар.

Агар томонлар икки ой мобайнида келишиб олганлари тақдирда томонларнинг хар кайсиини шартнома (контракт) бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

**10.3.** Буюртмачи тулов шартини бажармаслиги, Пудратчи учун «форс-мажор» холатига тенглашади.

### **11. Кафолат**

**11.1.** Пудратчи куйидагиларни кафолатлайди:

- мазкур шартнома (контракт) да белгиланган барча ишларни тула хажмда ва муддатда бажариш;
- барча ишларни Буюртмачи тақдим этган лойиха хужжатлари ва амалдаги меъёрларга мувофик сифатда бажариш;
- аниклаган камчилик ва нуксонларни уз вактида бартараф этиш;

**11.2.** Пудратчи камчиликларни тузатишни агар шу камчиликлар лойиха хужжатларнинг сифатсиз бажарилганлиги оқибатида келиб чикмаган булса уз хисобидан тузатиб беришга кафолат беради.

**11.3.** Молиявий банкротлик ходисаси булса Буюртмачи Пудратчига банк кафолатини ёки топширикномасини тақдим этиш керак.

### **12. Шартнома (контракт) ни бекор килиши.**

**12.1.** Буюртмачи Пудратчи куйидаги холларда шартнома (контракт) бекор килинишини талаб этишга хакли:

- Пудратчи томонидан курилишни Буюртмачига бөлгүүк булмаган сабабларга кура иккى ойдан зиёд кечикирилганды;
  - курилиш давомида Пудратчи айби билан курилишни тугаллаш муддати шартномада белгиланган муддатдан утиб кетганды;
  - Пудратчи томонидан шартнома (контракт) нинг лойихада кузда тутилган иш сифатининг пасайиб кетишига олиб келувчи шарти бузилганды;
  - давлат органи томонидан Пудратчини иш юритишдан махрум этувчи амалдаги конунчиллик доирасида, бошка конун хужжатларига асосан курилиш фаолияти учун лицензиялар бекор килинганды.
  - Мазкур шартномада кузда тутилган жарима сакциясини пудратчи тулашдан бош тортса.

**12.2.** Пудратчи куйидаги холларда шартнома (контракт) бекор килинишини талаб этишга хакли:

- Буюртмачи томонидан лойиха хужжатларига узгартиришлар киритилиши муносабати билан курилиш киймати учдан бир хиссадан зиёд камайтирилганды;
  - Буюртмачи бундан бүён курилишни молиялаштириш имкониятини йукотганды.
  - Молиялаштириш шарты Буюртмачи бажармаслиги (мазкур шартнома 7 моддасига ассоцан)

**12.3.** Шартнома (котракт) ни бекор килишга карор килган томон мазкур модда коидасига биноан иккинчи томонни ёзма равища хабардор килади.

Пудрат шартнома (контракт) конунда белгиланган тартибда бекор килинади.

**12.4.** Шартнома (контракт) бекор килинганда айибдор томон иккинчи томонга бой берилганда кулагай имкониятларни хам куйиш хисобланганда у курган заарни тулайди.

**12.5.** Шартнома (контракт) ни бекор килиш хакидаги томонларнинг келишуви шартнома (контракт) даги каби шаклда амалга оширилади.

**12.6.** Шартнома (контракт) ижроси бир томонлама рад этилишига йул қуилмайды. Конунчилукда ва шартнома (контракт) да кузда тутилган холлар бундан мустасно.

### **13. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.**

13.1. Томонлардан биронтаси шартнома (контракт) мажбуриятини ижро этмаган ёки лозим даражада ижро этмаган тақдирда уша томон:

- иккинчи томон курган заарни тулайди;
  - Узбекистон Республикасининг Фукаролик кодексида, Узбекистон Республикасининг «Хужалик юрутувчи субъектлар фаолиятининг шартнома-хукукий базаси тугрисида» ги конунда, бoshка конунчилик хужжатларида ва мазкур шартнома (контракт) да кузда тутилган тартибда бoshка жавобгарликга эгадир.

**132.** Буюртмачи мажбуриятни бузганлиги учун шартнома (контракт) да белгиланган, иловалар ва бошка мажбуриятларда мос равишда курсатилган лойиха хужжатлари, жихозлар, материаллар ва буюмлари бериш муддати, бунак (аванс) туловини уз вактида туламаслик у Пурдатчига мажбуриятининг ижро этилмаган кисмининг утказиб юборилган хар бир куни учун 0,4 % (фоизи) хажмида пеня тулайди, аммо бунда пенянинг умумий суммаси бажарилган иш ёки хизмат кийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеня тулаш шартнома (контракт) мажбуриятини бузган томонни кечиктириб бажарилган иш ёки курсатилган хизмат оқибатида келтирилган зарарни коплашдан озод этмайди.

**13.3.** Тулов талабномаси акцептидан асоссиз равишда тула ёки кисман рад этганлик шунингдек хисоб-китобларнинг бошка шакллардаги (банк муассасасига тулов топширикномасини тақдим этмаслик чек бермаслик аккредитив куймаслик ва хокозо) ишларга хак тулашдан бош тортганлик учун Буютрмачи Пурратчига у туловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 15 фоиза хажмида жарима тулайди.

**13.4.** Пудратчи томонидан олган мажбуриятини бузганлик учун (мазкур шартнома (контракт) б-моддасига асосан курилишни бошлиш ва якунлаш муддатини Буюртмачи томонидан топилган камчиликлар ва чала ишларни бартараф этиш муддатини) у Буюртмачига утказиб юборилган хар-бир кун учун мажбуриятнинг ижро этилмай колган

кисмининг 0,5 фоизи хажмида жарима тулайди. Аммо бунда умумий сумма бажарилмаган иш ёки курсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги даркор. Пеня тулаш шартнома (контракт) мажбуриятини бузган томонни иш бажариш ёки хизмат курсатиш муддатини утказиб юбориши оқибатида келтирилган заарни коплашдан озод этмайди.

**13.5.** Пудратчи курилиш материалларни, жихозларни ва бутлаш буюмларни, конструкция ва тизим, курилишда куллаш учун, спецификага мос келади, курсатилган лойиха хужжатларига, давлат стандартларига, техник шартларига ва мос келадиган сертификатга, техника паспорти ёки бошка хужжатларга, уларни коникитирувчи сифатларига кафолатлайди.

Буюртмачига таъминлаш юклатилган материал, буюмларни курсатилган талабларга мос келмаса, Пудратчи иш олиб бориш графигига хисобга олиб белгиланган муддатда Буюртмачи алмаштириб беради.

Агар шартнома (контракт) асосан, бажарилган ишлар тасдикланган лойиха смета хужжатлари сифатга мос келмаса техник шартлар, ассортемент ва нав буйича бошка мажбурият шартларга мос келмаган тақдирда, Буюртмачи молларни олишдан ва уларга, ишларга хак тулашдан бош тортишга хакли, Пудратчидан сифати жавоб бермайдиган иш кийматининг фоизи хажмида жарима ундиришга, агар молларга, ишларга хак тулаб куйилган булса белгилаган тартибда туланган суммани кайтаришни талаб килишга хакли.

Жарима жадвалининг тулов талабномаси банк муассасасига сифати, ассортименти ва нави лозим даражада булмаган моллар, ишлар хакида далолатнома тузилгандан кейин 10 кундан кечикмай тақдим этилиш лозим. Жарима жадвалининг тулов талабномаси белгиланган 10 кунлик муддат бузилган тарзда тақдим этилган тақдирда жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

**13.6.** Мазкур моддада кузда тутилган жазодан ташкари пудрат шартнома (контракти) буйича мажбуриятни адо этмаганлик учун шартнома (контракт) ни бузган томон иккинчи томонга копланмаган пеня, зарар иккинчи томон сарфланган харажатлар, йукотишлар ёки унинг мулкига етказилган шикаст суммасини бой берилган кулай имкониятларни хам кушиб тулайди.

Муддатини утказиб юборганлик ёки мажбуриятлиги етарли даражада уддаламаганлик учун пеня тулаш томонларни табиий равишда ушбу мажбуриятини бажаришда озод этмайди.

**13.7.** Шартнома (контракт) ни ижро этмаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун, жавобгарлик агар шартномада узгача кузда тутилмаган булса Узбекистон Республикаси фукаролик кодексига асосан, Узбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугриси» даги Конунининг 35 моддасига асосан аникланади.

#### **14.Алоҳида шартлар**

**14.1.** Мазкур шартнома (контрактга) имзо чекилгандан кейин томонлар уртасидаги мазкур шартнома (контракт) га дахлдор олдинги барча ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, музокаралар, агар улар мазкур шартнома (контракт) га зид келган тақдирда уз кучини йукотади.

**14.2.** Пудратчи Буюртмачининг ёзма рухсатномасиз объектни ёки унинг алоҳида бир кисмини бажариладиган иш учун лойиха хужжатларини хеч кандай учунчи шахсга сотиш ёки утказиш хукукига эга эмас.

**14.3.** Мазкур шартнома (контракт) га киритилган барча узгартериш ва кушимчалар, агар улар ёзма равишда расмийлаштириш, томонлар имзо чеккан булсалар хакикий деб хисобланади.

**14.4.** Буюртмачи ва Пудратчи уртасида ушбу шартнома (контракт) дан келиб чикмадиган ва янгича холатларни вужудга келтирадиган хар кандай ахдлашувлар мазкур шартнома (контракт) киритиладиган кушимча ва узгаришлар шаклида булиши ва улар томонидан тасдикланган булиши даркор.

**14.5.** Мазкур шартнома (контракт) да кузда тутилмаган барча колган масалаларда Узбекистон Республикаси конунчилик меъёрлари кулланилади.

**15. Шартнома (контракт) нинг хукукий экспертизаси**

**15.1.** Шартнома (контракт) нинг мазмуни уни тузишга тайёрлаш жараёнида юридик хизмат субъектлари ёки жалб этилган адвокатлар томонидан конунчиликка мувофик келиши текширилган булиши даркор.

Улар имзосисиз ёки хulosасиз шартнома (контракт) тузишга йул куйилмайди.

**15.2.** Шартнома (контракт) танлов хужжатида кузда тутилган шартлар асосида (имзоланиши) тузилиши лозим, хеч кайси бир томон иккинчи томоннинг розилигисиз Узбекистон Республикаси конунчилиги доирасида тузилган мазкур шартнома (контракт) га узгarterиши ва бошка бир таклифлар киритиш хукукига эга эмас.

**15.3.** Буюртмачи голиб ташкилотнинг розилигисиз, танлов хужжатларида кузда тутилган шартнома (контракт) шартлари Узбекистон Республикаси конунчилиги доирасида шартнома (контракт) тузишдан бош тортган холларда голиб ташкилот хужалик судига мурожаат килиш хукукига эга.

**16. Бахсларни хал этиши тартиби**

**16.1.** Шартнома (контракт) тузиш, ижро этиши, узгarterиши ва бекор, шунингдек келтирилган зарарни коплаш чогида томонлар уртасида вужудга келадиган бахслар конунчиликда белгиланган тартибда хужалик суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан хакамлар суди томонидан караб чикадиган.

**17. Томонларнинг реквизитлари:**

**БУЮРТМАЧИ**

Шимолий Фаргона магистрал канали  
бошкармаси

**Манзил:** Наманганд шахар Чаманзор массиви  
шхр-100010860144017042402170004

**Тел:** (+99869) 237-36-01

**ИНН-200056257 ОКЭД-84112**

Уз.Рес.МВ Газначилиги

**X/P:** 23402000300100001010

**Банк:** XKKM МБ Тошкент шахри

**МФО:** 00014

**ИНН-201122919**

Рахбар:



**ПУДРАТЧИ**

**«Ёркургон мелиосувкурилиш таъмир »  
МЧЖ**

**Манзил:** Наманганд вил. Уичи тумани Беруний  
8 уй

**Банк:** «Кишлок курилиш банк»АТБ Тошкент  
шахар Бош оффис МФО: 01037

**X/P:** 20208000104444866001

**ИНН:** 205911416



А. Дадабаев

## Хукукий хulosса

Уйчи шахарча

«10 12 2022 йил

Ушбу “Ёркўргон мелиосувқурилиш таъмир” МЧЖ ва Шимолий Фаргона магистрал канали бошкармаси **Наманган вилояти Шимолий Фарғона Магистрал Каналининг ПК1115+37 нуқтасида жойлашган Тузлуксой дюкерини таъмирлаш** обьекти бўйича тузилган 1 717 364 705.0 (Бир миллиард етти юз ун етти миллион уч юз отмиш турт мин етти юз беш ) сўмлик курилиш монтаж ишларини бажаришга тузилган № 1/12 контракт лойихаси хукукий экспертизадан ўтказилганда, шартнома амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 26,27,28,38 боблари, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси” тўғрисидаги қонуни талабларига мувофиқ тайёрланган. Ушбу шартнома шартлари, томонларнинг жавобгарлиги, низоларни хал этиш тартиби қонун талабларига мос келади.

Юқоридагиларга қўра шартномани имзолаш учун тавсия этаман

“Ёркўргон мелиосувқурилиш таъмир”

МЧЖ хукукшунос маслахатчиси:



А.Бойтураев

0000395



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"YORQO'RG'ON MELIOSUVQURILISH TA'MIR" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsnинг – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi ta'lif nomi)

"YORQO'RG'ON MELIOSUVQURILISH TA'MIR" MChJ

(Yuridik shaxsnинг qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

21.12.2005

619

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

205911416

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Uychi tumani, Uychi, BERUNIY MFY, BERUNIY  
KO'CHASI,

Guvochnoma:

Namangan viloyati, Uychi tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning ta'lif nomi):



**“Келинилди”**  
**“Шимолий Фарғона Магистрал**  
**Канали” бошқармаси бошлиғи**  
  
**Д.Жабборов**  
**2022й.**

## ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН ТОПШИРИК

**Объект номи:** Наманган вилояти Шимолий Фаргона магистрал каналининг Поп туманида жойлашган ПК1115+37 даги Тузлуксой дюкерини таъмирлаш

№	Талаб номи	Таркиб
1	Жорий таъмирлаш учун асос	Узбекистон Вазирлар Махкамасининг 10.05.2022 йилдаги №243-сонли карори
2	Объектнинг номи	Наманган вилояти Шимолий Фаргона магистрал каналининг Поп туманида жойлашган ПК1115+37 даги Тузлуксой дюкерини таъмирлаш
3	Бюртмачи	Шимолий Фаргона магистрал канали бошкармаси
4	Курилиш тури	Жорий таъмирлаш
5	Молиялаштириш манбаи	Бюджет маблаглари хисобидан
6	Объектнинг жойлашган жойи	Поп тумани
7	Жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати	Шартномани имзолангандан сунг 240 кун
8	Пудрат ташкилоти номи	Танлов асосида
9	Юк кутарувчи ва ураб турувчи конструкциялар учун структуравий ечимлар ва материалларга куйиладиган асосий талаблар	Амалдаги меёрий хужжатларга мувофик.
10	Хавфсизлик ва меҳнат гигиенаси буйича талаблар	Курилишнинг хавфсизлик режимини тутиш
11	Саноат хавфсизлиги буйича мухандислик-техник тадбирларни ишлаб чикишга куйиладиган талаблар	Узбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқарилган мухандислик ускуналардан фойдаланиш учун асосий технологик ускуналарнинг сифатини

		назарда тутиш.
12	Ёнгин хафсизлиги булимининг ишлаб чикаришга куйиладиган талаблар	Амалдаги норматив хужжатлар талабларига мувофик.

**«ТАЁРЛАДИ»**

**Таъмирлаш ишланини ташкил этиш ва мониторинг булими бошлиги:**

**А.Максудов**

**201326 лот юзасидан шаклланган дастлабки  
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон  
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичидаги иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

09.12.2022 14:47

Комиссия раиси:

JABBAROV DONIYOR MAXAMMADJONOVICH

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

“ 10 ” декабр 2022 йил

Наманган.ш

Наманган вилояти худудидаги Наманган вилоят Шимолий Фаргона магистрал канали бошкармаси ташкилоти томонидан 2022 йил

29 ноябрдаги 22110012201300-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Шимолий Фаргона магистрал каналининг ПК1115+37 даги Тузлуксой дюкерини таъмираш ишларини бажариш товар (иш,хизмат) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “STANDART SANOAT SERVIS” МЧЖ (УК, ДУК, Х/К) томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин

хисобланиши белгилаб олинди. Мұҳокама учун белгиланған муддат тугаганидан кейин келиб тушған әътиrozлар харид комиссияси томонидан күриб чиқылмайды.

Бошкарма бошлиғи:

Д.Жаббаров

Бош хисобчи:

Х.Эркинов



**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 201326 на  
приобретение Ремонт дюкера "Тузлуксой" на ст. ПК1115+37 Северо-Ферганского  
автомобильного канала Наманганской области**

**Способ проведения электронный**

Дата 07.12.2022

Время рассмотрения 07.12.2022 11:58

Закупочная комиссия Шимолий Фаргона магистрал канали бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Член комиссии</b>	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиб қўмитасининг Наманган вилояти худудий бошкармаси ходими	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиб қўмитаси
<b>Секретарь комиссии</b>	YUSUPOV SHUSRAT XAKIMJONOVICH	специалист по договору	ШФМКБ
<b>Член комиссии</b>	BABAYEV SALIX SADIKOVOCH	Бош механик	ШФМКБ
<b>Член комиссии</b>	ERKINOV XASANBOY MAMATXON O'G'LI	Bosh xisobchi	SHFMKB
<b>Член комиссии</b>	MAKSUDOV ALISHER BAXROM O'G'LI	Bo'lim boshlig'i	SHFMKB
<b>Председатель комиссии</b>	JABBAROV DONIYOR MAXAMMADJONOVICH	Boshqarma boshlig'i	SHFMKB

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.12.2022 года № лота 201326.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту магистрального канала
Подробное описание	Наманган вилояти Поп туман худудидаги Шимолий Фаргона Магистрал Каналининг ПК1115+37 нуқтасида жойлашган "ТУЗЛУКСОЙ" ни кесиб ўтвучи дюкерини таъмирлаш.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1728 552 706.00
Стартовая сумма	1728 552 706.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту магистрального канала
Подробное описание	Наманган вилояти Поп туман худудидаги Шимолий Фаргона Магистрал Каналининг ПК1115+37 нуқтасида жойлашган "ТУЗЛУКСОЙ" ни кесиб ўтвучи дюкерини таъмирлаш.

Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	52 948 798.00
Стартовая сумма	52 948 798.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

#### Критерий №1 Форма-4

Тип: Текстовое значение

Описание: Финансовое положение участника конкурса

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ	27	Мавжуд	10	Экспертная		
YORQO'RGON-MELIOSUV QUR TA M ЧЖ	27	Мавжуд	27	Экспертная		

#### Критерий №2 Форма-1

Тип: Текстовое значение

Описание: Декларация

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ	5	мавжуд	5	Экспертная		
YORQO'RGON-MELIOSUV QUR TA M ЧЖ	5	Мавжуд	5	Экспертная		

#### Критерий №3 Форма-3

Тип: Текстовое значение

Описание: Общая информация об участнике конкурса

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ	25	мавжуд	3	Экспертная		
YORQO'RGON-MELIOSUV QUR TA M ЧЖ	25	Мавжуд	10	Экспертная		

#### Критерий №4 Форма-6

Тип: Текстовое значение

Описание: Перечень машин и механизмов

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
НАСОС-ТАЬМИР МЧЖ	14	мавжуд	14	Экспертная		
YORQO'RGON-MELIOSUV QUR TA M ЧЖ	14	Мавжуд	14	Экспертная		

Критерий №5 Форма-2

Тип: Текстовое значение

Описание: Информация по неисполненным подрядным договорам

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
НАСОС-ТАЬМИР МЧЖ	3	мавжуд	3	Экспертная		
YORQO'RGON-MELIOSUV QUR TA M ЧЖ	3	Мавжуд	3	Экспертная		

Критерий №6 Форма-8

Тип: Текстовое значение

Описание: Свидетельство осмотра стройплощадки

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
НАСОС-ТАЬМИР МЧЖ	1	мавжуд	1	Экспертная		
YORQO'RGON-MELIOSUV QUR TA M ЧЖ	1	мавжуд	1	Экспертная		

Критерий №7 Форма-5

Тип: Текстовое значение

Описание: Опыт работы участника конкурса

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
НАСОС-ТАЬМИР МЧЖ	23	мавжуд	23	Экспертная		
YORQO'RGON-MELIOSUV QUR TA M ЧЖ	23	Мавжуд	23	Экспертная		

Критерий №8 Форма-7

Тип: Текстовое значение

Описание: Информация по контрактам (объектам)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ	2	мавжуд	2	Экспертная		
YORQO'RGON-MELIOSUV QUR TA M ЧЖ	2	Мавжуд	2	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ	1 781 501 504.00	1 774 501 504.00 UZS	1 774 501 504.00	00.00	1 774 501 504.00	05.12.2022 13:05:35	9.67801
YORQO'RGON-MELIOSUV QUR TA MЧЖ	1 781 501 504.00	1 717 364 705.00 UZS	1 717 364 705.00	00.00	1 717 364 705.00	06.12.2022 09:09:42	10

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ	54.9	9.67801	64.57801
YORQO'RGON-MELIOSUV QUR TA MЧЖ	76.5	10	86.5

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 201326 от 07.12.2022 года на приобретение Ремонт дукера "Тузлуксой" на ст. ПК1115+37 Северо-Ферганского автомобильного канала Наманганской области определила победителем:

YORQO'RGON-MELIOSUV QUR TA MЧЖ  
205911416

и резервный исполнитель: НАСОС-ТАЪМИР МЧЖ (203076934)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	JABBAROV DONIYOR MAXAMMADJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Согласен	
Член комиссии	BABAYEV SALIX SADIKOVOCH	Согласен	

Член комиссии	ERKINOV XASANBOY MAMATXON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	MAKSUDOV ALISHER BAXROM O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



**ҚУРИЛИШ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШ БҮЙИЧА  
0023273-СОНЛИ СУҒУРТА ПОЛИСИ**

1. Суғурта килдирувчининг Номи	«Ёркўрғон мелиосувқурилиш таъмири» МЧЖ
2. Қурилиш обьекти	"Шимолий Фарғона"магистрал каналининг ПК1115+37 нуктасида жойлашганг ТУЗЛУКСОЙ ни кесиб утвчи дюкерини таъмирлаш
3. Қурилиш олиб борилаётган Манзил	Наманган вилояти
4. Қурилиш баҳоси	1 717 364 705 (Бир миллиард етти юз ун етти миллион уч юз олтмиш турт минг етти юз беш) сум
5. Суғурталанган хавфлар (калтисликлар)ва суғурта пуллари	-Хар кандай кутимаган тасодифий ва тўсатдан рўй берувчи ходисалар натижасида суғурталанган мулкнинг шикастланишига ёки нобуд бўлишига сабаб бўлувчи хакикатда содир бўладиган воказалар. яъни ёнгин, чакмок, портлаш, учувчи аппаратларнинг кулаши, ўз-ўзидан ёниш, ўғирлик ва учинчи шахсларнинг каеъдан содир этган харакатлари, сув тошкини ва сув босиши, кувурларнинг ёрилиши, бўрон, довул, зилзила, сел, кўчки, тупрокнинг чўкиши, ўпирлиш,кулаш, киска туташув, ортичка кучланиш,электр ёйлари, машина ва механизмлар,курилишматериаллари ва конструкцияларнинг қулаги тусиши, нуқонли материаллар ва конструкцияларни онгиз равишда кўллашдан кўрилган заар, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фукаролик жавобгарлигининг пайдо бўлишидан.
Шу жумладан:	1 717 364 705 (Бир миллиард етти юз ун етти миллион уч юз олтмиш турт минг етти юз беш) сум
6. Суғурта полиси муддати	2022 йил «09» Декабрдан – 2022 йил «31» Декабргача;
7. Суғурта мукофоти:	4 763 511 (Турт миллион етти юз олтмиш уч минг беш юз ун бир ) сум
8. Шартсиз Франшиза	0%

“Ўзагросуғурта” АЖ  
Янги Водий суғурта маркази



Менеджер

М.Анваржонов

Суғурта килдирувчи:  
Суғурта қоидаси билан танишдим, полисни асл нусхасини олдим.



(ИМЗО)

2022 йил. “09” Декабр



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Наманган вилояти

Namangan viloyati 160100, Namangan shahri, A.Temur ko'chasi, 105-uy, Tel. (69)-233-02-50, E-mail:  
namexpert@umail.uz www.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Isakdjanov Avazbek Ismonjonovich

Sana: 24-11-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 77369**

**Obyekt nomi** «Namangan viloyati Shimoliy Farg'ona magistral kanalining PK1115+37 nuqtasida  
“Tuzluksoy” dyukerini ta'mirlash»

**Buyurtmachi** - Shimoliy Farg'ona magistral kanali boshqarmasi

**Bosh loyihachi** - "STANDART SANOAT SERVIS" MCHJ

**Litsenziya** AL-001367 23.09.2020 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish  
vazirligi tomonidan berilgan

**Moliyalashtirish manbai** - Budget

**Bosh pudratchi** - Tanlov asosida

**Qurilish turi** Ta'mirlash

**Murojaat raqami:** № 71733

### **1. Loyihalash uchun asos**

1.1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 10.05.2022 yildagi 243-sonli qarori.

1.2. “Norin-Sirdaryo” irrigatsiya tizimlari havza boshqarmasi tomonidan tasdiqlangan va buyurtmachi bilan  
kelishilgan loyiha topshirig'i.

1.3. Namangan viloyat Qurilish bosh boshqarmasi tomonidan berilgan 14.11.2022 yildagi  
1714-1714219-54554-sonli arxitektura rejorashtirish topshirig'i.

1.4. Loyerha va tadqiqot ishlari uchun tuzilgan 08.11.2022 yildagi 6-sonli shartnoma.

1.5. “Shimoliy Farg'ona” magistral kanali boshqarmasi boshlig'i tomonidan tasdiqlangan ob'ektning nuqson  
dalolatnomasi.

### **2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

2.1. “Ishchi loyiha”ni ishlab chiqish bosqichidagi loyiha hujjatlari:

- Umumiyl tushuntirish yozuvi.
- Bosh reja.
- Ko'ndalang va bo'ylama kesimlar, asosiy ishlar hajmi qaydnomalari va chizmalar.
- Smeta hujjatlari.

### **3. Loyerha yechimlarining qisqacha mazmuni**

### **3.1. Qurilish uchastkasi tavsifi.**

Ta'mirlanayotgan "Tuzluksoy" dyukeri Pop tumanida joylashgan bo'lib, tanlangan joy IV-iqlimiylar sharoitga to'g'ri keladi. Zilzilaga bardoshliligi bo'yicha - 8 ball. Tashqi havo harorati - 14°s. Me'yoriy qor yuklamasi - 0,50 kPa va shamol yuklamasi - 0,38 kPa. Yerni tuzilish relefi - tekis.

### **3.2. Ishchi loyihani maqsadi.**

Ishchi loyihani maqsadi Namangan viloyati Pop tuman hududidan oqib o'tuvchi Shimoliy Farg'ona magistral kanalining PK1115+37gacha bo'lган qismidagi "Tuzluksoy" dyukerini o'ng tomondagi bir dona tarmog'ini tozalash, ShFMKn dyukerga kirish-chiqish qismida jami 455 metr qismini tozalash hamda mavjud beton qoplamlarini ta'mirlash. Bundan tashqari "Tuzluksoy" selxonani dyuker ustidan kesib o'tgan qismidagi mavjud sharsharak va beton qoplamlarini qayta quyib, soy o'zanida tuproq yemirilishini (erroziyani) to'xtatib, dyukerni sel-toshqin xavfidan himoyalash. Natijada dyukerdan boshlang'ich loyiha quvvatidagi 24 m<sup>3</sup>/sek suv o'tishini ta'minlab, Pop tumanida ShFMKga bog'langan ekin maydonlariga suv ta'minotini yaxshilashdan iborat.

### **3.3. Loyihaviy tadbirlar.**

Loyihada quyidagi asosiy tadbirlari ko'zda tutilgan:

- "Tuzluksoy" dyukerining yuqori va quiyi befida "ShFMK" o'zanini tozalash va eski buzilib shikastlangan beton qoplamlari demontaj qilib, o'rnini loyiha bo'yicha qayta betonlash;
- "Tuzluksoy" dyukerini o'ng tomondan birinchi tarmog'ini qo'l kuchi yordamida tozalash;
- "Tuzluksoy" dyukeri tarmoqlarini kirish qismiga 4 dona gidrozatvor o'rnatish;
- gidrozatvorni boshqarish uchun ko'priq (mostik) qurish;
- dyukerning chap tomoni 3-4 ko'zlari chiqish qismidagi mavjud beton yuzasini maxsus qorishma bilan qisman ta'mirlash;
- dyuker ustini himoyalash maqsadida "Tuzluksoy"ga qurilgan, sig'imi Q=40m<sup>3</sup>/sek bo'lган mavjud trapesiya shaklida qurilgan quyma temir betonli selotraktni PK0+87 dan PK1+22 gacha bo'lган qismida so'ndirgich quduq (vodoboyniy kolodes) qurish.
- Loyihalashtirilayotgan t/b lotok tubiga tezlikni pasaytirish maqsadida sun'iy g'adir-budirlilik (shiroxovatost) hosil qilish. Hisob-kitoblarga asosan g'adir-budirliliklarni oralik masofasi 1,6 metr, balandligi 0,2 metr bo'lган temir-beton so'ndirgichlar qurish;
- dyukerning kirish va chiqish qismlariga metal panjarali himoya to'siglari o'rnatish;
- bundan tashqari loyihada damba ko'tarish ishlarida 3/1 nisbatdagi shag'al va tuproq aralashmasi yordamida otkoslari to'ldirib, m-1.5 nishablikka keltirish va shibalash.
- kanalni va soyning tubi hamda otkoslari yaxlit beton bilan qoplash va armosetka bilan mustaxkamlash;
- kanalning chap qirg'oq tomonidagi mavjud nazorat yo'lini qisman tamirlash;

### **3.4. Asosiy ko'rsatkichlari.**

- |   |                           |
|---|---------------------------|
| - Kanalni ta'mirlanayotgan qismining uzunligi     | - 455 metr;               |
| - "Tuzliksoy" ta'mirlanayotgan qismining uzunligi | - 111 metr;               |
| - Kanalni suv o'tkazish qobiliyati                | - 24 m <sup>3</sup> /sek. |

#### **4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

#### **5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

- Bosh reja "Norin-Sirdaryo" irrigatsiya tizimlari havza boshqarmasi tomonidan tasdiqlangan va buyurtmachi bilan kelishilgan.

#### **6. Ekspertiza natijalari.**

6.1. Ekspertiza natijalariga ko'ra buyurtmachining boshqa xarajatlarisiz va qo'shimcha qiymat solig'i (QQS) bilan 1887545,196 ming so'm miqdorida taqdim etilgan loyiha qiymati 106 043,692 ming so'mga kamaytirilib, 1 781 501,504 **ming so'm** qilib belgilandi. Xususan:

Qurilish-montaj ishlari:	1 493 671,743	ming so'm
Asbob-uskunalar:	55 460,000	ming so'm
QQS:	232 369,761	ming so'm
- Bundan tashqari		
Buyurtmachining boshqa xarajatlari:	87 354,765	ming so'm

6.2. Yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng nazorat o'lchovi natijalarini asosida aniqlanadi.

6.3. Buyurtmachi loyiha hujjatlarini tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

6.4. Ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan loyiha hujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyiha yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

#### **7. Xulosalar.**

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Namangan viloyati Shimoliy Farg'ona magistral kanalining PK1115+37 nuqtasida "Tuzluksoy" dyukerini ta'mirlash" ishchi loyihasi kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

**Bosh mutaxassis:** MAXKAMOV TOXIR MARIFJONOVICH